

Қабрларнинг устига ўтирманглар | Сийрат дарслари (277-дарс)



19:00 / 13 апрель 773

402. Абу Марсад Ғанавий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қабрларнинг устига ўтирманглар. Уларга қараб намоз ўқиманглар»**, дедилар.

Муслим ривоят қилган.

403. Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Жаъфарнинг вафоти хабари келганида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Жаъфарнинг аҳлига таом қилиб беринглар. Уларни машғул қиладиган нарса келиб қолди»**, дедилар».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.

404. Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларидан бир жаноза олиб ўтилди, шунда у зот: **«Истироҳат олувчи ва ундан истироҳат олинган»**, дедилар». **«Эй Аллоҳнинг Расули, истироҳат олувчи ва ундан истироҳат олинган нима?»** дейишди. У зот: **«Мўмин банда (вафот этса) дунёнинг қийинчиликларидан истироҳат олади. Фожир банда (ўлса) ундан бандалар, элу юртлар, дов-дарахтлар ва жонзотлар**

қутуладилар», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

405. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирортангиз ўлганида унга ўрни эртаю кеч кўрсатиб турилади: агар жаннат аҳлидан бўлса, жаннат аҳлидан экани, дўзах аҳлидан бўлса, дўзах аҳлидан экани. «Аллоҳ сени қиёмат куни қайта тирилтиргунича сенинг ўрнинг мана шудир», дейилади», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

406. Асма бинт Абу Бакр розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туриб, одам қабрида дучор бўладиган фитна ҳақида гапирдилар. У зот ўшани зикр қилганларида мусулмонлар шовқин кўтаришди. Бу нарса менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг каломларини фаҳмлашимга халақит берди. Уларнинг шовқини тинчиганда яқинимдаги кишидан: «Ҳой Аллоҳ бараканги бергур, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гапларининг охирида нима дедилар?**» дедим. **«Батаҳқиқ, сизлар қабрларингизда дажжолнинг фитнасига яқин фитнага учрашингиз хабари берилди», дедилар», деди».****

Бухорий ва Насоий ривоят қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.